

#### **4. Механизациялаштирилмаган (қўл меҳнати билан бажариладиган) ишларни бажаришда хавфсизлик чоралари.**

**Соз ҳолатда бўлган, тўғри чархланган асбоблар, мосламалар, ашёлар ва шахсий ҳимоя воситалари сақланиши, таъмирланиши ва уларнинг қўл меҳнати билан бажариладиган ишларда банд бўлган ходимларга берилишини фермер хўжалигининг раҳбари ташкил қилиши шарт.**

**Фермер хўжаликларининг раҳбарлари,  
фермер – оталар ва оналар!**

#### **ЁДДА САҚЛАНГ:**

- а) пахтани қўлда суғоришда;**
- б) Пахтани қўлда теришда 18 ёшга тўлмаган шахслар меҳнатидан фойдаланиш**

#### **ТАҚИҚЛАНАДИ**

Белкурак, хаскаш, ва бошқа анжомларнинг туткич ва соплари яхши силлиқланган, уларда қўлга шикаст етказиши мумкин бўлган ёриклар, кўзлар, зирапчалар ва бошқа камчиликлар бўлмаслиги керак.



Секатор, чилпиш (чеканка) пичоклари, тоққайчи, боғбон пичоклари ва қўларраларнинг тиғи тўғри ва ўткир чархланган бўлиши лозим.



Кўлда ишлатиладиган ўткир кесиш асбобларини сумкада ёки енгил ташиш кутисида ташиш лозим.

Баланд бўйли мевали дарахтлардаги мавжуд ишларни бажариш учун мўлжалланган икки томонга очиладиган нарвонларда тўсиқли ишчи майдончаси бўлиши керак.



Ҳар куни ишни бошлашдан олдин ушбу нарвонларнинг созлигини текшириш лозим.

### **Ё Д Д А Т У Т И Н Г :**

**Баландлиги 3 м.дан юқори бўлган икки томонга очиладиган нарвонда ишлаш вақтида нарвон асосида иккинчи ходим нарвонни силжишдан сақлаб туриши керак.**



Кўчатлар ва уруғларни экиш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотини йиғиш учун мўлжалланган кўл идиши (яшиқ, саватлар ва х.к.) соз ҳолатда бўлиши, уларда чиқиб турган михлар ва чивиклар, синган тахталар ва х.к.лар бўлмаслиги керак.



Мехнат қуролларидан фойдаланган ҳолда ерга ишлов бериш, ўсимликларни сийрақлаштириш ишларини бажаришда ишчилар бир-биридан 2-3 м масофада поғона тартибида жойлашиши керак.

## Ё Д Д А Т У Т И Н Г :

Электрлаштирилган кўл асбоби билан ишни бошлашдан олдин уларнинг ерга уланганлигининг созлигини текшириш лозим.

*(электр токи уриши мумкин, одамлар жароҳатланиши эҳтимоли мавжуд)*

Электрлаштирилган кўл асбоби билан бажариладиган ишларни резина кўлқопда ва диэлектрик калишда бажариш зарур.



Пичокларни алмаштиришда, ростлашда, чархлашда электр асбобни ток манбасидан ёки пневмосимдан узиб қўйиш лозим.



## Ё д д а с а қ л а ш з а р у р :

Узумли идишлар лангарли устунлар ўртасида қатор оралиғида ўрнатилиши керак.



Новдаларни кесиш ва таъмирлаш ишларини ўтказишдан олдин шпалер сими новдадан бўшатилиши керак.

Ишчиларга ҳимояловчи кўзойнак берилиши зарур.



Шохларни кесиш ишлари  
чиқиндиларини ёқиш камида икки  
кишидан иборат бригада томонидан,  
махсус ажратилган жойларда амалга  
оширилиши керак.

Пестицидлар билан ишлов  
берилган далаларда, узумзорларда,  
боғларда қўл меҳнати билан  
бажариладиган ишларни кайтадан  
бошлаш учун белгиланган муддатларни  
бузиш *(ишчилар пестицидлар  
қолдиқларидан заҳарланиши мумкин)*;

- иш жойига қўлда ишлатиладиган  
кесиш (ўткир) асбобларини (айри,  
хаскаш, чопкиларнинг туткич ва  
соплари, секатор, боғкайчи ва х.к.)  
ғилофсиз ҳолда одамлар билан бирга  
ташиш *(одамлар жароҳатланиши  
эҳтимоли мавжуд)*;



- асбобларни ишлаш учун ажратилган  
майдонда ёки майсалар устида сақлаш  
*(одамлар жароҳатланиши эҳтимоли  
мавжуд)*;



- хаскаш, айри, маркер ва х.к.ларни  
ўткир учини тепага қаратиб қўйиш  
*(одамлар жароҳатланиши эҳтимоли  
мавжуд)*;

- ерни юмшатиш, кўчатлар учун  
ўринлар ва чуқурчаларни ҳосил қилиш  
ишларини махсус асбоб-ускуналардан  
фойдаланмасдан қўлда бажариш

*(ишчиларнинг қўли жароҳатланиши мумкин)*;

- ерни юмшатиш, ўсимликлар орасини ўташ ишларини  
пойабзалсиз бажариш *(ишчиларнинг оёғи жароҳатланиши мумкин)*;

- минерал ва органик ўғитларни қўлда ва хўл қўлқопда сочиш  
*(қўлларнинг кимёвий куйиши юз бериши мумкин)* **тақиқланади:**

*Ишчилар жароҳат олишининг олдини олиш мақсадида:*

- ёмғир ёғаётганда ва тинганидан сўнг дарахт танаси ва асосий шохлари қуришигача дарахт шохларини кесиш ишларини бажариш;

- икки ёққа очиладиган нарвоннинг оёғи тагига тош, тахта парчалари ва бошқа нарсаларни солиш, битта нарвонга бараварига иккита ишчи чиқиши;

- тираб қўйиладиган нарвон устида механизациялаштирилган қўл асбоблари билан ишлаш;

- кучланиш остида бўлган электр узатиш тармоқларига яқин жойларда баланд дарахтларни кесиш ишларини бажариш;



- мева териш ва дарахт кесиш вақтида дарахтга чиқиш ва ингичка шохларга туриб олиш **ТАҚИҚЛАНАДИ.**